

Имомларга Қуръон оятларини шарҳлашда мужтаҳидларга эргашиш буюрилди



12:40 / 19.01.2019 2274

Татаристон Республикаси Муслмонлари дин ишлари бўйича бошқармасининг янгиланган Низомига худди шундай қоида киритилган. Яқинда қабул қилинган “Бошқарма имом-хатиблари томонидан ибодат ва диний маросимларни ўтказиш тўғрисидаги Низом”нинг янги вариантида ҳар қандай имом ўзи билганича Қуръони каримни шарҳлаши мумкин эмаслиги қатъий тарзда белгилаб қўйилди. Ушбу ички меъёрий ҳужжатнинг тегишли бандига кўра, фақат энг ваколатли диний шахсларгина ояту ҳадисларни мустақил равишда шарҳлашлари мумкин бўлади, деб ёзади Islam-today сайти.

– Шариат билимларнинг энг юқори даражасига эришган мужтаҳидларгина Қуръони карим оятлари ва ҳадисларга мустақил шарҳлар бериш ҳуқуқига

эга, – деди Татаристон муфтийсининг биринчи ўринбосари Рустам ҳазрат Валиуллин Булғор ислом университетида бўлиб ўтган диний бошқарма йиғилишида. – Бундай билим даражасига эга бўлмаганлар муқаллидлар, яъни мужтаҳид имомларга эргашувчилар бўлади.

Рустам ҳазрат ички Низомга киритилган ушбу янги талаб оятларнинг нотўғри талқини, шариат аҳкомлари бўйича турли хил нотўғри қарор ва фатволарнинг олди олинишига ёрдам беришига умид билдирган.

Islom.uz портали таҳририяти